

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги  
Жамоатчилик кенгаши йиғилиш  
БАЁНИ**

Тошкент шаҳри

№ 3

2022 йил 23 май

**Йиғилишга раислик қилди:** Лутфулла Мухаммадназаров, *Кенгаши раиси*

**Иштирок этдилар:** Шуҳрат Суюнов- *Кенгаши раиси ўринбосари*  
Жамоатчилик кенгаши аъзолари (рўйхат  
бўйича)

**КУНТАРТИБИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Р.Хамраевга  
Жамоатчилик кенгаши раиси номидан тайёрланган навбатдаги таклифларни  
муҳокама қилиш.

2. Жамоатчилик кенгаши фаолиятига дахлдор масалалар.

Йиғилишни Жамоатчилик кенгаши раиси Л.Мухаммадназаров кириш  
сўз билан очди. Сув хўжалиги вазирлигининг қуи ташкилотларида  
ишлаётган ходимларнинг ойлик маоши республика бўйича ўртacha ойлик  
даражасидан паст эканлигини, бугунги кунда энг муҳим масала уларнинг  
ойлик маошини кўтариш эканлигини таъкидлади.

Йирик стратегик аҳамиятга эга бўлган сув хўжалиги обьектларини  
республика бюджетидан вазирлик орқали керакли миқдорда  
молиялаштиришга ўтказишни ҳам таклиф этди.

Йиғилишда кенгаши раиси ўринбосари Ш.Суюнов сўзга чиқиб, сувни  
тежайдиган технологияларни сугоришда жорий қилиш билан параллел тарзда  
сувни йўқолишини камайтириш мақсадида фермер ва кластер ариқларига  
лотоклар ётқилиш, 1-3 метр куб / секунд сув оқадиган каналларни ҳашар  
йўли билан йилига 800-1000 км узунликда бетонлаш ишларини амалга  
ошириш масаласини раҳбариятга киритиш кераклигини билдириди.

Кенгаши аъзоси Н.Худойбердиев янги сугориш режимларини ишлаб  
чиқиши, М.Икромова сув омборларининг барчасини вазирлик ихтиёрида  
қолдириш, Х.Лапасов талабалар амалиёти муддатини узайтириш бўйича  
таклифларни илгари сурдилар.

**Йиғилиш қарор қилди:**

1. Йиғилишда билдирилган барча таклифлар қайтадан кўриб чиқилиб, пишиқ-пухта ҳолида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраевга киритилиши маъқуллансин.

2. Кенгаш аъзолари иш режасида белгиланган вазифалар ижросини ўз муддатларида бажарилишини таъминласин.

*Йигилиши баённомасини*

*расмийлаштириди:*

Кенгаш котиби:



А.Ҳайитов

